

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

100

<i>Хўжсанова М.Ф.</i> Андижондаги болалар уйлари фаолиятининг архив хужжатларида ёритилиши (1920 – 1930 йиллар).....	286
<i>Мамадаминова Б.А.</i> ХХСРдаги ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар архив хужжатларида	290
<i>Саидбобоева Г.Н.</i> Ўрта Осиёни электрлаштиришга доир биринчи энергетика съезди материаллари манба сифатида.....	294

ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ

<i>Насруллаев Н.Х.</i> Арабларнинг Мовароуннаҳрга ҳарбий юришлари: сабаб ва натижалар мухтасар таҳлили	298
<i>Тоштемурова С.А.</i> Ислонда жисмоний тарбияга муносабат	301
<i>Исмоилов М.М.</i> Ҳадис “иллат”лари нима?	305
<i>Буранова Н.А.</i> Юртимизнинг буюк муҳаддислари ва уларнинг илмий мероси.....	309
<i>Мунавваров З.И.</i> К вопросу о механизмах народной дипломатии в средние века	312
<i>Ҳайдаров М.Э., Каримова Б.Х.</i> Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини вояга етказишда ҳадис илми	314
<i>Каримов Н.Р.</i> Немис олими Бернд Радткенинг Ҳаким Термизий меросини ўрганишдаги ўрни	319
<i>Жўраев З.М.</i> Мовардий “Аҳком” асарида ҳадиси шарифларга эътибор.....	322
<i>Абдурахмонова И.Х.</i> Абу Мансур Мотуридий фаолиятининг IX – X асрлардаги диний-маънавий ҳолатга таъсири.....	326
<i>Давлатова Ш.</i> Хожа Самандар Термизийнинг қарашларида адолатли шоҳ ғояси.....	330
<i>М. Меърожиддин.</i> Мухлисон ота ва унинг авлодлари зиёратгоҳи	333
<i>Одилов А.А.</i> Совет давлатининг динга қарши кураш сиёсати тарихидан	336

МУЗЕЙШУНОСЛИК ВА МУЗЕЙ ИШИ. ДАВРИЙ МАТБУОТ

<i>Исмаилова Ж.Х.</i> Ўзбекистонда музей ишининг ислоҳ этилиши.....	341
<i>Қурбонова Д.А.</i> Музейшуносликда маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисидаги халқаро конвенцияларни ўрганиш масалалари	345
<i>Умаров С.</i> Глобаллашув шароитида Ўзбекистон – Германия муносабатларининг даврий матбуот саҳифаларида ёритилиши.....	349
<i>Кушаков Ю.Х.</i> Проблемы интеграции СМИ в общественное сознание	351

АРАБЛАРНИНГ МОВАРОУННАХРГА ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИ: САБАБ ВА НАТИЖАЛАР МУХТАСАР ТАҲЛИЛИ

Н.Ҳ. Насруллаев

Тошкент ислом университети

Инсоният тафаккури, ва ақл-заковати, илм-фан ривожии ва тараққиётида улкан кашфиётларни юзага келтира олган Юнон-Рим маданияти IV асрда инқирозга юз тутди. Бу даврга келиб илм-фан тараққиётидаги юксалиш нисбий тус олиб, қўлга киритилган ютуқлар ҳам аста-секин унутила бошлади. Бу эса, Европа учун катта инқироз ва йўқотиш палласи бошланганини билдирарди. Шунга қарамай, Эрон, Ўрта Осиё, Хитой ва Ҳиндистонда баъзи юнон олимлари ўз фаолиятини давом эттириб, илм-фаннинг араб мусулмон диёрларига кўчиб ўтишига замин яратдилар. Айниқса, Хулафо ар-Рошидинлар даврида Европа бўйлаб бошлаб берилган ислом фатҳлари бунга асосий сабаб бўлганини алоҳида эътироф этиш керак. Араблар лашкари ер юзининг шимол, Ғарб ва Шарқ томонида жойлашган турли мамлакатларга ҳарбий юришлари натижасида ўз ҳудудларини тобора кенгайтириб, халқлараро маданият ва алоқалар ривожига шароит яратиб бердилар.

Бошқа мамлакатлар қатори Турон ўлкасида ҳам қадимдан саҳийлик, жасурлик, меҳмондўстлик, юртини ҳимоя қилиш, ўзгаларга ёрдам қўлини чўзиш каби юксак маданий ва маънавий қадриятлар асрлар оша такомиллашиб бойиб борган. Марказий Осиё хусусан, Мовароуннаҳрга арабларнинг кириб келиши VII асрнинг 70-йилларига тўғри келди. Исломнинг дин сифатида ёйилиши эса, ўлка қадриятлари, урф-одатларини янада бойитиб, аввалги маънавий қарашлар ислом динига асло зид бўлмай, балки ахлоқий мейёрларнинг айна ўзи эди ёқса бошқачароқ кўриниши эди. Чунки, мазкур ҳудудда яшаган аҳоли исломни бошқа ҳудудларга нисбатан осон ва тез қабул қилди. Энди, бунинг сабабларини ўрта аср тарихий манбаларига мурожат этган ҳолда таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Бу даврдаги ижтимоий ҳолат ва Мовароуннаҳр ўлкасида истиқомат қилган аҳолининг турмуш тарзи ҳамда маънавий-маърифий тушунчалари ҳақида Ёқут Ҳамавий ўзининг “Муъжам ал-Булдон” асарида юртимизга арабларнинг кириб келгунигача бўлган ижтимоий ҳолат ҳақида кўп илиқ таъсуротларни ёзган эди:

- Аҳолиси яхшилик, саҳоватга ўч, ёрдампарвар бўлиб, ёмонликдан йироқ ва бағрикенг юрт.
- Кўплаб шаҳар ва қишлоқларига эга.

- Халқи жасур, боҳодир ва қатъиятлик бўлиб, тенгсиз куч-қудратга эга.
- Уларда ҳарбий тайёргарлик ва қурол-аслаҳалар яхши ривожланган.
- Иқлимлар ичида Мовароуннаҳр ҳавоси энг мусаффоси.
- Сувлари мўл бўлиб, тоғлари, воҳалари ва шаҳарларининг барчасида сув мавжуд. Истеъмолга яроқли чучук сувлари билан ҳам ажралиб туради.

- Экинзорлари кўп, бепаён яйловлари бор.

- Унумдорлик ва ҳосилдорлик борасида унинг васфига таъриф йўқ. Ҳатто бутун Шарқда бундай серҳосидор юртни топиш мушкул. Олинган ҳосиллар ўзлари ва қариндошларига ҳам етиб, улардан ҳам ортиб қолади. Айниқса, Сўғд, Усрушана, Фарғона, ва Шош меваларининг тўкин-сочинлиги ҳеч бир ерда топилмай, бу борада ўлка бошқа юртлардан маҳсулот олиб келишга эҳтиёж сезмайди.

- Аҳоли от, туя, эшак, хачир каби уловлардан фойдаланади. Фақат қўй гўштининг энг сараларигина туркманлардан олиб келинади.

- Пахта кўплаб етиштирилади ва бошқа юртларга етказиб берилади, шунинг учун уларнинг либослари кўпроқ пахтадан тикилади.

- Ўлкада газлама, шойи, жун, тола ва Хўжанд ипаги кўп ишлаб чиқарилади.

- Ўлкада темир конлари ҳам етарлича. Шунингдек, олтин, кумуш, симоб конлари ҳам мавжуд бўлиб, бошва юртларда топилмайдиган даражада кўп захирага эга. Аҳоли улардан зебу-зийнат, асбоб-ускуна ва қурол-аслаҳалар ясай олиш қобилиятига эга.

- Қуллар Мовароуннаҳрга чегарадош ўлкалардан яшайдиган туркий халқлардан келтирилади ва бу ердан бошқа юртларга ҳам жўнатилади.

- Мушк ва хушбўйликлар Тибет ва Қирғиздан келтирилиб, бу ерда бошқа давлатларга етказилади.

- Соғониён (Чағониён) ва Бошқирдда заъфарон етиштирилиб, бошқа ҳудудларга тарқатилади.

- Ўканинг ҳайвонот дунёси ҳам бой бўлиб, унда сувсар, олмахон, тулки ва бошқа ноёб ҳайвонлар учрайди. Бу эса, мўйначилик ҳам ривож топганига далолат қилади[1].

Дарҳақиқат, юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Мовароуннаҳр ўзининг ер ости ва усти бойликлари билан араб мусулмонларининг эътиборини ўзига торта олган.

Тарихчи Истахрий[2] эса: “Мен Сўғдда эшиги михлаб қўйилган бир уйни кўрдим. Эшитишимча бу уй юз йилдан кўп вақт ёпилмаган. Яъни, уй доим меҳмон учун очик турган”. Баъзан ярим тунда даб-дурустдан юз ёки икки юзта меҳмон улови билан меҳмонга келади. Шунда уй аҳли меҳмонлар ва уларнинг меҳмон улови билан меҳмонга келади.

уловларига жой бериб, етарлича озуқа билан таъминлаган. Мезбон бундай ишлардан ҳечам оринмайди, чунки бу уларда оддий ҳолга айланиб қолган.

Мана шундай ўлкага арабларнинг кириши, халифа Муовия (660 – 680) буйруғи билан Убайдуллоҳ ибн Зиёд бошчилигидаги араб қўшинлари 674 йил Пойкент ва Бухорога ҳужум қилиши билан бошланган эди. Бу шаҳарлардан катта миқдорда ўлжаларни жумладан, минглаб дирҳамлар, тўрт минг асир, қимматбаҳо ўлжаларни қўлга киритиб ортга қайтиш билан тугаган. Бу қайтиб кетиш Мовароуннаҳрга қайта қўшин юбориш мақсадида амалга оширилган навбатдаги тадбир бўлиб чиқди. Хуллас, уч марта уюштирилган ҳужумнинг тўртинчиси батамом Мовароуннаҳрнинг ўзлаштирилишига қаратилган эди.

704 йили Қутайба ибн Муслим Хуросон амири этиб тайинланди. Бирваракайига унга Ўрта Осиёни ерларини ҳам эгаллаб, минтақада араб ҳукмронлигини ўрнатиш юклатилган эди. Қутайба 706-709 йиллар давомида Омул (Чоржўй), Замма (Карки), Бухорони эгаллаб, Пойкентни қамал қилади ва Зарафшоннинг қуйи қисмидаги Варданза ҳукумдорига қарашли ерларни ўзига бўйсундиради.

Қутайба 709 – 712 йиллари Кеш, Насаф, Хоразм, Самарқандга юриш қилиб, бу ерларда араб ҳукмронлигини ўрнатди. 713 – 716 йилларда Тошкент, Фарғона вилоятидан то Қашқаргача бўлган ҳудудлар араб халифалиги таркибига қўшиб олинди. Қутайба ибн Муслим Мовароуннаҳрнинг бу шаҳарларида араблаштириш сиёсатини олиб борди[3]. У исломнинг Шарқда энг охирги сарҳади бўлган Фарғона орқали Марвга кетди. Унинг бу фикрга келишига умавийлар халифаси Валиднинг вафоти сабаб бўлди. Янги халифа сифатида Сулаймон ибн Абумалик тайинланди. Қутайба Сулаймон билан эскидан адовати бўлгани сабаб, унга очик исён кўтарди. Сулаймон ўзининг ишончли Вакиъ ибн Абу Асвад ва Ҳиён ибн Иёслар раислигида Хуросон ва Мовароуннаҳрда исломни жорий этган ва ўзининг қаҳрамонликлари билан шуҳрат қозона олган Қутайба ибн Муслим Андижон вилояти Жалақудуқ туманида Вакиъ ибн Ҳассон ат-Тамимий томонидан 48 ёшида, 97/715 йили зулҳижжа ойида ўлдирилди.

Арабларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳарбий юришлари натижасида ўлка катта инқирозларга юз тутди. Қадимги маданият ўзининг кучини анча йўқотди. Қутайба ибн Муслим ўлимидан кейин Абу Холид ал-Аздий Язид ибн Муҳаллаб (ваф. 53 – 102/673 – 720) отасидан сўнг Хуросон ва Мовароуннаҳр волийси этиб тайинланди[4]. Язид даврида Мовароуннаҳрдаги ҳолат деярли сақланиб турди. Чунки, у асосий эътиборини Журжон ва Табаристон фатҳига қаратган эди. Ундан аввал у Сулаймон ибн Абдумалик даврида Басра волийси фазифасини бажарганди.

Ғарблик шарқшунослар араб мусулмонларининг Мовароуннаҳрга юришларини фатҳ сифатида эмас, балки босқинчилик сифатида қарайдилар. Яна

бошқа тоифа олимлар араблар бу ўлкани фатҳ этганини ва мазкур ҳудудларга маданият, ахлоқ ва янгича ғоявий дунёқараш мезонлари ҳамда янги эътиқодни олиб кирганликларини таъкидлайдилар.

Тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирган Умавийлар халифалигининг давлат бошқаруви (661 – 750) йилларни ўз ичига олиб, Муовия ибн Абу Суфёндан то Марвон II Ҳиморларнинг ҳукмронлик даврига қадар (127 – 750) жами ўн икки халифа томонидан идора этилди. Шулардан Муовия, Абдумалик ва Ҳишомлар сулоланинг машҳур халифалари бўлиб, ҳар бирлари Дамашқда узоқ вақт ҳукмронликни қўлда тутиб турдилар. Бироқ Марокашда 740 йил барбарлар, 742 йилда хорижийлар қўзғолони Умавийлар давлати инқирозини тезлаштириб юборди. Натижада, 750 йилга келиб умавийлар халифалиги батамом тугатилди, давлат бошқарувини аббосийлар қўлга олишди.

Аббосийлар сулоласи беш юз йил ўз бошқарув сиёсати билан тарих саҳнасидан тушмади. IX асрга келиб араб халифалиги мустаҳкам оёққа туриб, халифалик пойтахти Бағдодга кўчирилди ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маърифий ислохотлар амалга оширилди. Натижада, пойтахтга турли давлатлардан илм аҳлининг келиб муқим фаолият олиб бориши учун кенг имкониятлар яратилди. Бугунги кунда қадим Шарқнинг бу даврда барча илм-фан соҳаларда яратган инқилобий ўзгаришлари “ренессанс” сифатида баҳоланиб келмоқда.

1. Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-Булдон. Ж. V. – Байрут: Дар Байрут, 1984. – Б. 46-47.
2. Ибн Халликон. Вафайат ал-аъян. Ж. II. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1998. – Б. 60-61.
3. Ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ат-Табарий. Ар-Риёд: Байт ал-афкар ад-давлия, 2005. – Б. 1261.
4. Шамсуддин аз-Заҳабий. Сияр аълом ан-нубала. Ж. V. – Байрут: Дар ал-фикр, 1991. – Б. 104-106.

ИСЛОМДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯГА МУНОСАБАТ

С.А. Тоштемирова

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти

Мамлакатимизда сўнгги йилларда муқаддас Ислом дини қадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлодга диннинг асл моҳиятини таништириш, уни тўғри татбиқ этиш каби эзгу мақсадларга эришиш йўлида муҳим қадамлар қўйилмоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди. Муқаддас ислом динимиз бизга айнан шуни ўргатади” [1].

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, жисмонан соғлом бўлишларига катта эътибор қаратилмоқда. “2017 –